

Ҳадис дарслари (90-дарс). Аллоҳнинг илми ва қудрати (тўртинчи мақола)



13:00 / 17.06.2020 6495

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ азза ва жалла раҳмга (бачадонга) бир фариштани вакил қилгандир. Бас, у:

«Эй Роббим! Бу нутфадир!

«Эй Роббим! Бу лахта қондир!

«Эй Роббим! Бу чайналган гўштдир!» дейди.

Аллоҳ яратишни хоҳлаб, ҳукм қилганда фаришта «Эй Роббим! Эркакми, қиз? Бадбахтми, некбахт? Ризқи нима? Ажали нима?» дейди. Онасининг қорнида ана шундай ёзилади», дедилар».

Шарҳ: Бунда Аллоҳ таолонинг ҳар бир раҳмга бир фариштани вакил қилиб қўйгани ва ҳомила ҳали нутфалигидаёқ унинг хабарини бериб туриши ҳақида тушунча бермоқда. Фаришталар нутфанинг ҳомилага айланиш жараёнини бирма-бир хабар қилиб турар эканлар. Вақти келганда эса фаришталарга ўша ҳомиланинг қазои қадарини, яъни Аллоҳ таолонинг азалий илмидаги ҳолини ёзиб қўйишга ҳам изн берилар экан.

Аввалги дарсда ўғил ёки қиз экани, ажали ва ризқи ёзилиши ҳақида сўз кетган ва бу нарсалар ҳақида батафсил тўхталиб ўтган эдик. Бу ҳадиси шарифда эса уларга қўшимча равишда, бахтли ёки бахтсиз экани ҳам ёзиб қўйилиши ҳақида хабар берилмоқда. Дарҳақиқат, бу масала ҳам фақатгина Аллоҳ таолонинг илмига боғлиқ нарсадир.

Ҳар бир инсоннинг бахтли ёки бахтсиз эканини фақат Аллоҳ таолонинг Ўзи билади. Билганда ҳам, Ўзининг ҳамма нарсани қамраб олувчи илми ила азалдан билади. Нафақат инсонга онасининг қорнида жон пуфлаганда, балки азалдан билади. Ушбу ҳадисда айтилаётган маъно ўша азалий илми қайд қилиш, холос. Бутун инсоният тўпланса-ю, уларнинг ичидан бирортасининг бахтли ёки бахтсиз эканини билишга қанчалик уринсалар ҳам, била олмайдилар. Ҳатто пайғамбарларнинг саййиди Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам фақат Аллоҳнинг билдириши билан ўн кишининггина жаннатга кириши ҳақида башорат берганлар, холос. Қолганларнинг тақдири нима бўлишини фақат Аллоҳнинг Ўзи билади. Агар Аллоҳ буни билмаса, Аллоҳлиги қолармиди?!

Аллоҳ таоло ўша илми фаришталаридан бирига айтиб, ёздириб қўйиши қийин эмас. Шу билан бирга, ўша илми ёзиб, қайд қилиб қўйиш бандани бадбахт ёки некбахт бўлишга мажбур қилиш эмас. Чунки илм бир нарсани кашф қилувчи нурдир, бировни мажбур қилувчи куч эмас!

(Давоми бор)

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан